



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли шифокорлар!
Қадри соҳа фахрийлари!
Аввало, сиз, азизларни қутлуг касб байрамингиз — Тиббиёт ходимлари кун билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Жаҳон тиббиёт илмининг асосчиларидан бири, буюк аллома Абу Али ибн Сино бобомиз айтганларидек, **одамлар дардига дармон бўлмоқ — эзгулик ва олижанобликнинг юксак намунаси**дир.

Халқимиз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ана шундай улуг ва масъулиятли ишга бағишлаган, эл-юрт саломатлигини асраш йўлида бор билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳоратини сафарбар этиб келаётган шарафли касб эгаларини кўради ҳамда машаққатли меҳнатингизни доимо муносиб қадрлайди.

Чиндан ҳам, инсон саломатлиги жамиятнинг бебаҳо бойлиги, шифокорлар эса ана шу бойлиқнинг фидойи посбонларидир, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, кадр-қимматини улуғлашда соғлиқни сақлаш тизими устувор аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам юртимизда тинчлик ва соғлиқни таъминлашга эришсак, қолган ҳамма нарсага эришамиз, деган фикрни яна тақрорлашни ўринли, деб биламан.

Айни шу мақсадда республикамызда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох этиш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги беш йилда соҳага оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари, жумладан, 2019-2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Тиббиёт соҳасини молиялаштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Буни жорий йилда соҳага 18 триллион сўмдан зиёд ёки 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда тиббиётнинг уч босқичли миллий модели — бирламчи тиббий-санитария, шошилинч тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизмат тармоғи яратилиб, самарали фаолият юритмоқда. Энг муҳими, тиббиёт муассасалари халққа янада яқинлашмоқда.

Тиббий хизматларнинг сифат даражаси ошиб, янги замонавий

йўналишлар, даволаш ва диагностика усуллари, ноёб илмий-амалий тажрибалар шаклланимоқда. Буни биргина мисол, яъни қисқа даврда буйрак, жигар ва ўзак ҳужайраларда 700 дан ортиқ мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилганида ҳам кўриш мумкин.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ишлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Хусусан, ҳомиладор аёллар саломатлигини доимий назорат қилиш тизими йўлга қўйилгани оналар ва гўдақлар ўлимини сезиларли камайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган даврда патронаж хизмати мутлақо янги асосда ташкил этилди. Ҳамшираларнинг уйма-уй юриб, ҳар бир фуқаро саломатлигини назорат қилиб бораётгани касалликларнинг олдини олиш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда катта роль ўйнамоқда.

Давлат тиббиёт муассасалари билан бирга, хусусий клиникалар сони қўпайиб, улар 129 та йўналишда фаолият кўрсатаётгани соҳада соғлом рақобатни, аҳоли учун танлаш имкониятини оширишга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Коронавирус пандемияси бутун дунё қатори халқимиз, айниқса, Ўзбекистон тиббиёти учун ҳам жиддий синов бўлганини барчамиз яхши биламиз. Эл бошига иш тушган ана шундай оғир ва мураккаб пайтда биринчи бўлиб ёрдамга шошилган, вирус ўчоқларида ўз ҳаётини хатарга қўйиб, бу хавфли касалликка қарши мардонна курашган соғлиқни сақлаш ходимларига ушбу қувончли айёмда яна бир бор миннатдорлик билдираимиз.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатингиз билан пандемияга қарши курашнинг илғор усул ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилмоқда. Ҳозирги кунда аҳолини коронавирусга қарши эмлаш жараёнлари муваффақиятли олиб борилаётган.

Эл-юрт саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини муносиб рағбатлантириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Бунинг тасдиғини уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган ишларимиз мисолида кўриш мумкин.

Агар 2019 йилдан буён ушбу тизимда меҳнат қилаётган юртдошларимиздан қарийб 550 нафари юксак

унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган бўлса, кун кеча имзоланган фармонга кўра, яна 82 нафар тиббиёт ходими давлат мукофотларига сазовор бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини ушбу муносиб эътироф билан чин дилдан табриклайман.

Хурматли соҳа ходимлари!

Халқимиз саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади. Келгусида соҳага йўналтирилаётган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, яқин беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш белгилангани бу борадаги режаларимиз қўламидан далолат беради.

Асосий вазифамиз — тиббиёт соҳасини юқори самара билан ишлайдиган, чинакам халқчил тизимга айлантиришдан иборат.

Бу борада соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлини орқали тиббий профилактикага, оилавий шифокорлар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва эрта ўлим ҳолатларининг асосий сабаби бўлган касалликларни барвақт аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирларини ўтказиш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича самарали чоралар амалга оширилади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсад — Янги Ўзбекистонни барпо этишга фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина қодир бўлишини албатта барчамиз яхши тушунамиз.

Ана шундай баланд марраларга эришишда эл-юртимиз дардига ҳаммаша дармон бўлиб келаётган сиз, азизлар, бор қуч-ғайратингиз, билим ва малакангизни аямасдан меҳнат қиласиз, деб ишонаман.

Сизларни касб байрамингиз — Тиббиёт ходимлари кун билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қўлингиз дард кўрмасин, азиз шифокорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, замонавий даволаш усулларини амалиётга кенг жорий этиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, айниқса, коронавирус пандемияси шароитида профессионал бурчини сидқидилдан адо этиб келаётгани, чуқур билим ва юқори малакага эга му- тахассисларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйи- дагилар мукофотлансин:

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Юсупов Азамат Фархадович — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Абдуллаева Ибодат Бабажановна — Навоий шаҳри марказий шифохонасининг терапия бўлими mudири, Навоий вилояти

Абралов Ҳакимжон Кабулджанович — Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар тўғма юрак нуқсонлари хирургияси бўлими mudири

Худойбердиева Меҳриниса — Пискент тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси акушер-гинеколог, Тошкент вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Махмамов Мохир Эргашевич — Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникаси шифокори

Нурматова Шоира Октябровна — У.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб шифохонаси бош шифокори

Пардаева Минавара Джалиловна — Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация-анестезиология бўлими шифокори

Рахимова Шарапат Салиховна — Тошкент шаҳри болалар фтизиатрия сихатгоҳи бош шифокори

Рузметова Гуларом — Хонқа тумани тиббиёт бир- лашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими болалар шифокори, Хоразм вилояти

Тешабаев Азмижон Ҳакимович — Андижон туманидаги 3-оилавий поликлиникаси mudири, Андижон вилояти

Тешабаева Сроя Назировна — Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг неонатоло- гия бўлими mudири

Тошев Эгамберди — Қашқадарё вилояти фтизиатрия шифохонасининг жарроҳлик бўлими жарроҳи

Юсупова Насиба Авазовна — Ғузор туманидаги 44-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Қашқа- дарё вилояти

I даражали “Саломатлик” ордени билан

Абдурахимов Шамшиддин Комилович — Поп туманидаги “Мададим Сино” хусусий неврология шифохона- си раҳбари, Наманган вилояти

Азимова Сабохат Бурхановна — Мирзачўл туманидаги “Ибн Сино издоши” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Амиркулов Бахтиёр Джумаевич — Республика их- тисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази электрофизиология текшируви ва юрак арит- миясининг мураккаб турларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўлими жарроҳи

Мухтаров Шухрат Турсунович — Республика ихти- сослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт мар- кази директори

Юлдашев Рустам Шавкатович — Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Абдурахманов Шухрат Мансурович — Республи- ка шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали хирургия бўлими mudири

Ақбаров Шухрат Умаралиевич — Фарғона туманидаги 65-оилавий поликлиникаси mudири, Фарғона вилояти

Акрамова Франгиза Қодир қизи — Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати директори

Алиджанов Назрулла Абдулбариевич — Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш мар- кази кўп тармоқли клиникаси урология бўлими mudири

Арипова Назокат Боходировна — Республика их- тисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг онкогематология бўлими mudири

Балтабаева Шарбан Джанабаевна — Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ҳарбий госпитали терапия бўлинма- си шифокори

Буриходжаева Сурайёхан Матлабходжаевна — Тошкент шаҳридаги “М.Федорович клиник санаторийси” масъулияти чекланган жамияти бош шифокори

Егитов Азиз Муратович — Учқўприк туманидаги “Yigitov Clinic” хусусий шифохонаси раҳбари, Фарғона ви- лояти

Қосимов Латиф Шавкатович — Оққўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўли- ми mudири, Тошкент вилояти

Мансуров Шохрух Каримович — Республика шо- шилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали кардиореанимация бўлими анестезиолог-реа- ниматолог

Маткаримов Зоҳиджон Турдалиевич — Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази жарроҳ-транс- плантолог

► Давами 2-бетда

МУНОСАБАТ



ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саккизинчи саммитида иштирок этиб, амалий ва стратегик аҳамияти жиҳатидан муҳим бўлган саккизта йўналиш бўйича 10 дан ортиқ ташаббусларни илгари сурди. Ушбу ташаббусларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиб, синчковлик билан ўргансак, бир қанча ўзига хос жиҳатларини англаш мумкин.

► Давами 2-бетда

► Давами 2-бетда

САЛОМАТЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ АРДОҒИДА

“Туркистон” саройида 13 ноябрь кун Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Мирюнусов Мирнасир — Тиббиёт бош бошқармасининг “Қибрай” клиник санаторийси директори

Нишонов Фахриддин Сайфуллаевич — Зомин тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими mudири, Жиззах вилояти

Одилова Барно Тўлқуновна — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори

Пулатова Руқия Равшановна — Навбахор туманидаги “Дул-дул” оилавий шифокорлик пункти mudири, Навоий вилояти

Сабиров Дилмурат Суонович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг болалар анестезиология ва хирургик реанимация бўлими mudири

Турсунова Дилорам Алимовна — Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг вакциналар ва иммунопрофилактика бўлими mudири

Хамидова Ракия Акбаралиевна — Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими шифокори

Хашимова Джамиля Хабибовна — Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг суд-гистология бўлими mudири

Ходжаев Абдувахид Валиевич — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг етакчи илмий ходими

Ҳаққулов Эркин Бекмурзаевич — Юнусобод туманидаги “Yunusobod Medical” хусусий клиникаси болалар жарроҳи, Тошкент шаҳри

Шарипова Феруза Бабаджановна — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали поликлиникаси онкогинекологи

Шодиева Юлдуз Худойбердиевна — Қарши шаҳридаги “Дипшифо маскани” масъулияти чекланган жамияти бош шифокори, Қашқадарё вилояти

Эргашев Бахтиёр Бердалиевич — Республика перинатал марказининг неонатал хирургия маркази раҳбари

Эшбоев Абдулҳаким Тўлаганович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали директори

“Дўстлик” ордени билан

Аббасова Гулноз Исаевна — Гулистон шаҳридаги 4-оилавий поликлиникаси mudири, Сирдарё вилояти

Исраилова Ашурхон Ҳакимовна — Қувасой шаҳри кўп тармоқли марказий поликлиникаси mudири ўринбосари, Фарғона вилояти

Қудратов Ғайзулло — Сарийосиё тумани тиббиёт бирлашмасининг Шарғун ҳудудий бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Мамадалиев Абдурахмон Маматқулович — Самарқанд давлат тиббиёт институтининг нейрохирургия кафедраси mudири

Мамбетмуратов Кеунимжай — Кегейли тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими mudири, Қорақалпоғистон Республикаси

Одерий Елена Васильевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг марказий поликлиникаси жарроҳи

Сураева Марина Николаевна — Миробод туманидаги 3-оилавий поликлиникасининг терапия бўлими mudири, Тошкент шаҳри

Цой Елена Сергеевна — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколат-хонаси мутахассиси

“Соғлом турмуш” медали билан

Баймурзаева Бибижамал Бекбергеновна — Чимбой туманидаги 56-кишлоқ оилавий поликлиникаси mudири, Қорақалпоғистон Республикаси

Бободжонов Баҳром Абдурасулович — Бекобод туманидаги 3-кишлоқ оилавий поликлиникаси mudири, Тошкент вилояти

Ёрқулов Инатулла Эшмурзаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий қисм тиббиёт пункти фельдшери

Қаюмова Дилбархон Ғафаровна — Уйчи туманидаги “Аҳси” оилавий шифокорлик пункти mudири, Наманган вилояти

Мансурова Муяссар Байрамовна — Қорақўл туманидаги 53-оилавий поликлиникаси mudири, Бухоро вилояти

Рузйбаев Рашид Юсулович — Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали директори, Хоразм вилояти

Тўлаганова Лолаҳон Акбаралиевна — Юнусобод туманидаги 151-оилавий поликлиникасининг умумий амалиёт бўлими mudири, Тошкент шаҳри

“Шуҳрат” медали билан

Ахунжанова Саида Садиқалиевна — Мингбулоқ туманидаги “Дўмса” оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Наманган вилояти

Ашуров Бегмат Умирович — Оқдарё туманидаги “Оқдарё табobati” хусусий шифохонаси бош шифокори, Самарқанд вилояти

Бакиров Бекмурод Дилмуродович — Бўстон тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими жарроҳи, Андижон вилояти

Бекова Нигара Тагриповна — Юқори Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси оилавий шифокори, Тошкент вилояти

Ғаниева Умида Абубакировна — Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими катта ҳамшираси, Фарғона вилояти

Давлатов Ваҳобжон Худойназарович — Зарафшон шаҳридаги “Vahob Denta Lyuks” хусусий клиникаси директори, Навоий вилояти

Даминов Бекзод Нуриддинович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг

Жиззах филиали хирургия бўлими шифокори, Жиззах вилояти

Ибрагимов Раззак Умурзакович — Нуробод тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими mudири, Самарқанд вилояти

Ибраҳимов Мўмин Ҳасанович — Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг кўчма бригадаси шифокори

Қалимбетов Нзаматдин Шарапович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали тез тиббий ёрдам бўлими бош фельдшери

Қамилова Рано Аббасовна — Тошкент шаҳридаги “М.Федорович клиник санаторийси” масъулияти чекланган жамияти бош ҳамшираси

Маматқулов Бахтияр Сапарович — Боёв-ут тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи, Сирдарё вилояти

Мелиқулов Алишер Алмардонович — Тошкент шаҳридаги “Akfa Medline” масъулияти чекланган жамиятининг кардиохирургия бўлими бошлиғи

Мирзарахимова Зулфия Хусанходжаевна — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокор-эндо-кринолог

Олтиев Нодиржон Авлиёқулович — Олот тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими mudири, Бухоро вилояти

Очилдиева Зебинисо Боборахматовна — Денов туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркалар интернат уйи катта ҳамшираси, Сурхондарё вилояти

Раджаматова Маҳфуза Мамасалиевна — Республика махсус 1-Зангиота шифохонасининг реанимация бўлими катта ҳамшираси

Рахимова Саодат Даминовна — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиали кардиореанимация бўлими mudири

Содиқова Марҳамат Хазратқуловна — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали ҳамшираси

Темиров Фарход Туропович — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази анестезиолог-реаниматологи

Худайбергенова Зухра Октамовна — Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бош ҳамшираси

Худоярова Манзурахон — Избоскан туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси, Андижон вилояти

Эшанкулова Матлуба Тахировна — Навоий вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази шифокори

Якубов Акмал Абдусаматович — Тошкент шаҳридаги “Heart Team Clinic” масъулияти чекланган жамияти кардиологи

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 12 ноябрь

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бахтиёр МУСТАФОЕВ,
Марказий Осиё халқаро институти
директори ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Бу, энг аввало, Ўзбекистоннинг, кечаги саммитда қабул қилинган қарор билан номи ўзгарган, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги фаол иштироки **халқимиз фаровонлиги ва равнақини таъминлашга қаратилгани, прагматик ташқи сиёсатимизнинг мантиқий давоми эканлигидир.** Ўзбекистонда сўнгги йилларда ўзининг қамрови ва қўлами жиҳатидан кенг бўлган иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотларни самарали амалга оширишда ташқи иқтисодий ҳамкорлик қилиш, яъни янги бозорларга йўл очиш, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқиш, инвестициялар жалб қилиш муҳим ўрин тутadi. Шу нуктаи назардан, саммитда билдирилган ташаббусларнинг салмоқли қисми айнан иқтисодий соҳага тегишли (**савдо ҳамкорлиги бўйича марказ ташкил этиш, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурини қабул қилиш, саноат ҳафталигини ўтказиш, IT мутахассислари учун доимий платформа яратиш, туризм ва бошқалар**).

Биринчидан, юқоридаги мисоллардан Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидagi фаолиятини фақат геосийёсий мақсадлар билан эмас, балки миллий манфаатларни амалга ошириш билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Иккинчидан, Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар **яна бир қарра**



Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканини кўрсатди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг таклиф ва ташаббуслари бугун минтақа учун долзарб ҳисобланган савдо, транспорт, саноат, экология, туризм, рақамлаштириш ва ёшлар масалалари бўйича ҳамкорлики ривожлантиришга қаратилган. Эътиборлиси, **давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари Туркий давлатлар ташкилотига иштирок этаётган барча Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.** Буни биз Туркияда ташкил этилган саммитдаги давлат раҳбарларининг нутқларида ҳам кўришимиз мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг саммит доирасида билдирган ташаббуслари **Марказий Осиё тараққиёт ва ҳамкорлик маконига айланишига катта ҳисса қўшади.** Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш нафақат **минтақа давлатларининг**, балки **Марказий Осиёнинг Россия, Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқи каби стратегик ҳамкорлари манфаатига ҳам жавоб беради.**

Мисол тариқасида “транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастури”ни ишлаб чиқиш тўғрисидаги ташаббусини айтиш мумкин. Ҳозирги кунда Хитойдан Европага денгиз йўллари орқали маҳсулот экспорт қилиш қуруқликдаги йўللарга нисбатан 3,5 баробар қиммат. Шу туфайли 2020 йилда Хитойдан Европага қуруқлик орқали маҳсулот экспорт қилиш 50 фоизга ошди ва бу тенденция бундан кейин ҳам давом этиши прогност қилинмоқда. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг Европа ва Осиё минтақасини боғлайдиган муҳим географик нуктада жойлашганини инобатга олсак, Президентимиз ташаббуси билан илгари суриляётган транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик орқали Хитой ва Европа давлатлари учун қўшимча муқобил транспорт йўлларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Тўртинчидан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари **Туркий давлатлар ташкилоти салоҳиятини оширишга хизмат қилади.** Ҳеч кимга сир эмас, Ўзбекистоннинг 2019 йилда Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўлақонли аъзо бўлиши бугунги Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятида янги саҳифа очди. Кечаги саммит натижалари бунга ёрқин мисол бўла олади. Учрашув якунида 11 та муҳим ҳужжат қабул қилинди. Улар-

дан 3 таси — Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номини “Туркий давлатлар ташкилоти” деб ўзгартириш, Туркмакнистонга қузатувчи макомини бериш ва “Туркий дунё нитоҳи — 2040” дастурини қабул қилиш тўғрисидаги қарорлардир.

Бевосита Ўзбекистон Президентининг ташаббусларига эътибор қаратсак, уларнинг аниқ масалага йўналтирилгани ва Туркий давлатлар ташкилоти олдида турган долзарб масалаларни ечишга хизмат қилишини айтишимиз мумкин.

Саммитда Президентимиз савдо соҳасидаги ҳамкорликка тўхталиб, Ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий импорт ҳажми 420 миллиард доллар бўлишига қарамай, ўзаро импорт ҳажми 21 миллиард долларни, яъни умумий импорт ҳажмининг 5 фоизини ташкил этишини таъкидлаб ўтди.

Ушбу масалани ечиш учун Савдо ҳамкорлиғи бўйича тадиқот марказини тузиш таклиф этилди ва унинг асосий вазифалари сифатида савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳажмини ошириш, электрон тижоратни жорий этиш масалалари этиб белгиланиши кераклиғи айтилди.

Ҳеч шубҳасиз савдо соҳасида тадиқотлар олиб борилиши Туркий давлатлар ташкилотининг иқтисодий салоҳиятидан тўла-тўқис фойдаланиш имконини беради. Мисол учун, 2020 йил дунёда электрон тижорат 25 фоизга ошиб, унинг ҳажми 2,5 триллион долларни ташкил этди, электрон тижорат орқали савдо қилган харидорлар сони эса 3,5 миллиард кишига етди. Яъни электрон тижорат орқали савдо қилган бир киши ўртача 700 долларга маҳсулот сотиб олган.

Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслардан яна бири, бу — туризм

мида “тиббий харита”лар орқали манзилли иш олиб бориши йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, самарасиз, моддий-техника базаси ночор 3 мингдан ортиқ ҚВП ўрнида 2 мингта поликлиника ва оила шифокорлик пункти ташкил этилиб, аҳолига ўз яшаш манзилида тўлиқ бепул амбулатор тиббий хизмат кўрсатилиши таъминланди. Оммавий шаклдаги профилактик ва чуқурлаштирилган кўриқлар ўрнига мақсадли скрининг дастурлари, тотал патронаж ўрнига универсал-прогрессив патронаж тизими жорий қилинди.

— Бугунги кунга келиб тиббиётнинг бирламчи бўғини тўғридан-тўғри бемор билан ишлайдиган, касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизим сифатида шакллантирилди, — дейди Фарғона вилояти Қувасой шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника mudири ўринбосари, “Дўстлик” ордени соҳибаси Ашурхон Исроилова. — 31 йилдан бери бирламчи бўғинда ишляётган бўлсам, охириги беш йилдаги ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам қувонарли. Олис кишлоқларда ҳам оилавий поликлиникалар ташкил этилди. Умумий амалиёт шифокорлари оилавий шифокорларга айлантирилди. Оилавий поликлиникаларда тор соҳа мутахассислари хизмати йўлга қўйилди, тиббий бригадалар ташкил этилди. Авал патронаж ҳамшираси ўз нормативини бажариш учун хонадонма-хонадон юрган бўлса, бугун мақсадли патронаж тизими жорий қилинди. Энди патронаж ҳамшираси қайси хонадонга бориши яхши билади. Бу патронаж хизматининг сифат даражаси ошиши, касалликларни эрта аниқлашга хизмат қилляпти. Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган табригини эшитиб янада тўқинландим. Менга берилган мукофот эса зиммалдаги масъулиятни янада тўлиқ ҳис қилишга ундайди.

Эндиликда энг мураккаб операциялар ҳам ўзимизда ўтказилмоқда. Энди мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун хорижга боришга зарурат қолмади. Хусусан, Академик В.Вохи-дов номидagi республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази трансплантология бўлимида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Ўтган 5 йилда юртимизда 700 дан ортиқ буйрак, жигар ва ўзак хужайра операциялари муваффақиятли ўтказилгани натижасида фуқароларимизнинг чет давлатларга шифо излаб бориши кескин камайди.

— Кардиожарроҳлик соҳасида ҳам ўсиш кўрсаткичлари юқори, — дейди Республи-ка ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим mudири, тиббиёт фанлари доктори Бахтиёр Амриқулов. — 2016 йилгача юрак соҳасидаги мураккаб операциялар фақат Тошкент шаҳрида амалга оширилган бўлса, бугунги кунда 12 та ҳудудда рентгенэндоваскуляр бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган. 10 та вилоятда эса очиқ кардиожарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси ихтисослашган тиббиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар самарасидир. Байрам тадбирида санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

соҳасини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш. Туркий давлатлар ташкилоти аъзолари туризм соҳасида улкан имкониятларга эга бўлишига қарамай, ушбу йўналишдаги ҳамкорлик ва мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланилмаяпти. Масалан, 2019 йил якунлари бўйича, яъни пандемияга қадар Ўзбекистон (+27 фоиз), Туркия (+14 фоиз) ва Озарбайжон (+11 фоиз) сайёҳлик оқими энг тез ошаётган 20 та давлат рўйхатиға кирган. Шундай бўлса-да, Туркий давлатлар ташкилоти аъзоларининг дунё сайёҳлари ҳажмидаги улуши камлиғича сақланиб қолмоқда. 2019 йилда жами 1,5 миллиард киши дунёда саёҳат қилган бўлса, шундан 70 миллионга (4,6 фоиз) ақини Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларга ташриф буюрган.

Президентимиз саммит кун тартибидан келиб чиқиб, рақамлаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Бугун Ташкилотга аъзо давлатларнинг барчаси рақамлаштириш бўйича миллий стратегияларни амалга оширмоқда, “ақли шаҳар”лар тизимини жорий қилиш бўйича Концепциялар қабул қилган. Шу туфайли рақамлаштириш соҳасидаги саяъ-ҳаракатларни бирлаштириш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу мақсадда Президентимиз IT соҳасидаги мутахассислар учун доимий мулоқот платформасини ташкил этишини, 2022 йилда эса шу йўналишда экспертлар конференциясини ўтказишни таклиф этди.

Рақамлаштириш бугун иқтисодий ривожланишнинг ажралмас қисмига айланди. Жаҳон банки маълумотига кўра, интернетга уланиш ҳажмининг 10 фоизга ошиши ялпи ички маҳсулотнинг 1 фоизга ўсишига олиб келади. Интернетга уланиш ҳажмининг атиги 1 фоизга ошиши эса, экспорт ҳажмининг 4-5 фоизга ўсишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон томонидан саммитда илгари сурилган барча ташаббусларнинг амалий ихроси Ташкилот доирасида ўзаро манфаатли, узоқ мuddатли ва тизимли ҳамкорлиқни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ

ЮРАГИНГИЗ ДОИМО БИР МАРОМДА УРИБ ТУРСИН

Жорий йилнинг 9 ноябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлди. Тадбирда давлатимиз раҳбари кардиология соҳасидаги муаммоларга тўхталиб, 30–70 ёшдаги аҳоли ўртасидаги ўлим ҳолатларининг 53 фоизи ханузгача юрак-қон томир касалликларига тўғри келаётганини, сўнгги беш йилда юрак-қон томир касалликлари 20 фоизга, ҳатто ёшлар орасида ҳам кўпайганини, 40 ёшдан юқори аҳолининг 20–25 фоизда гипертензия аломатлари мавжудлигини афсус билан қайд этди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди Солижон Мўминов билан филиалда бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар, келгуси режалар ҳақида суҳбатлашдик.

— Солижон Жалилович, Президентимиз соҳа муаммоларини қамраган мажлисда республика бўйича 4 миллионга яқин аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари аниқланган бўлиб, бу умумий аҳолининг 12 фоизини ташкил этишини, Наманганда ҳам мазкур кўрсаткич юқори эканлигини қайд этди. Айтинг-чи, бу рақамлар ортда қандай омиллар турибди, нима учун кардиологик хасталиклар билан ёшлар беморлар вилоятда кўп учрамоқда ва уларни қамайтириш учун нималар қилинмоқда?

— Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда ҳам, вилоятимизда ҳам охириги йилларда юрак қон-томир касаллигига чалинган беморлар сони ортган. Бунинг олдини олиш учун касалликларни барвақт аниқлаш бўйича қатор вазифаларни белгилаб олдик ва амалга оширишга киришдик. Бирламчи тиббий санитария муассасалари замонавий лаборатория жиҳозлари, яъни автомат биохимик ва гематологик анализаторлар билан таъминланади. Натижада тиббиётнинг бирламчи бўлинида юрак-қон томир касалликларини эрта босқичларда аниқлаш учун қондаги холестерин ва электролитлар микдорини, қоннинг ивиш вақтини библиш тўлиқ йўлга қўйилади. Шунингдек, 40 ёшдан ошган аҳоли орасида йилда 2 марта “танометрия” — қондаги холестерин ва қанд микдори ҳамда коагулограммани аниқлаш учун скрининг текшируви ўтказилади. Бу аҳоли орасида юрак қон-томир касаллигининг оғир асоратлари, ногиронлик ва эрта ўлим хавфининг олдини олишга ёрдам беради. Вилоятда “Гипертензия саломатлик мактаблари” ташкил этилиб, ҳар бир маҳалладаги беморларга касаллик ҳақида тушунчалар берилади. Бирламчи бўлинда ишловчи оилавий шифокорлар учун вилоят кардиология марказида ЭКГ таҳлилини ўргатувчи 36 соатлик ўқув курсларини ташкил этамиз.

Шу ўринда алоҳида айтишим лозимки, оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникалар рўйхатидан жой олган 66 турдаги дори-дармонлар ичида кардиологик дорилар тури кам. Бу юрак-қон томир касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва даволашга тўққонлик қилмоқда. Шу боис, тасдиқланган рўйхатга ҳозирда юрак-қон томир касалликларини даволашда самара бераётган эналаприл препарати ҳам киритилди ва бирламчи бўлин учун келгуси йилда республика бюджетидан 580 миллиард сўм ажратилади. Бу жорий йил харажатларидан 3 баробар кўдир.

Вилоятнинг Наманган шахри, Тўрақўрган, Наманган, Норин, Уйчи, Поп туманларида туманлараро ихтисослаштирилган кардиология бўлимлари



очилади ҳамда юқори технологик жиҳозлар — ЭКГ, ВЭМ, Холтер ЭКГ, дефибрилятор, биохимик анализатор билан таъминланади.

Бизнинг филиалимиз 170 ўринга мўлжалланган бўлиб, жами 232 нафар ҳафта — 34 нафар врач, 110 нафар ўрта тиббиёт ходими ва 88 нафар техник ходим хизмат кўрсатиб келмоқда. Утган 5 йилда муассасада жами 3 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 1 миллион АҚШ долларлик тиббий жиҳозлар олиб келинди.

Филиалимиз кардиология ва кардиохирургия, интервенцион кардиология соҳасида Республика кардиология маркази, В.Вохидов номидаги Республика хирургия маркази, Россиянинг Е.Н.Мешалкин номидаги Кардиология ва кардиохирургия маркази, А.Н.Бакулев номидаги Кардиохирургия илмий-амалий маркази, Қозғистоннинг Миллий кардиология маркази, шунингдек, Польша, Ҳиндистон каби хорижий давлатларнинг соҳага оид клиникалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жорий йилда Арманистон давлати Эребуни миллий кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Санкт-Петербург шаҳридаги Мечников номи марказ билан меморандумлар имзоладик. 8 нафар шифокоримиз хорижий муассасаларда касбий малакасини ошириб қайтди. Филиалимизда жорий йилда 65 турда 2500 дан ортиқ мураккаб амалиётлар муваффақиятли бажарилди. Ваҳоланки, беш йил аввал 18 турдаги 270 та операция амалга оширилган.

Россиянинг Е.Н.Мешалкин номидаги кардиохирургия маркази мутахассиси Д.Редкин, Кузбасс кардиология маркази мутахассиси В.Ганюков, польшалик профессор Р.Гилл, арманистондан профессор М.Сагатеян, қозғистонлик жарроҳ

Р.Тўлеуттаев филиалда янги, технологик жиҳатдан мураккаб амалиётларни вилоят мутахассислари билан биргаликда бажаришди.

— Президентимиз видеоселектор йиғилишида кардиология хизматини янада яхшилаш ва қамровини ошириш бўйича қатор янгилликларни эълон қилди. Жумладан, республика даражасида амалга оширилаётган барча амалиётлар вилоятларнинг ўзида йўлга қўйилади. Бундан буён беморларнинг республика марказларида даволаниши учун берилган барча имтиёзлар (ордер бериш тартиби) уларнинг филиаллари ҳам тўлиқ татбиқ этилади. Филиал бу ўзгаришларга тайёрми?

— Филиалимизга беморлар нафақат Наманган, балки Андижон, Фарғона, Тошкент, Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятлари ҳамда Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидан ҳам келиб даволанмоқда. Муассасамизни модернизация қилиш мақсадида Австриянинг “AME International” компанияси билан умумий қиймати 9 миллион АҚШ долларлик лойиҳа амалга оширилади. Натижада коронар ва периферик томирларни стентлаш, ортирилган ва тўғма юрак нуқсонларини интервенцион усулда бартараф этиш, ҳар хил юрак аритмияларида радиочастотали абляция амалиётлари йўлга қўйилганidan сўнг беморларнинг республика марказига ҳамда чет эл клиникаларига бориши 85–90 фоизга қамайиб, вилоят, ҳатто қўшни давлатлардан келиб даволаниш кўпаяди.

Келгусида инвестиция дастури доирасида филиалда 100 қатновли поликлиника ва кардиохирургия бўлими учун янги бино қурилади. 9 миллион АҚШ доллар микдоридagi маблағ ҳисобига энг замонавий тиббий жиҳозлар олиб келинади. Шундан



сўнг юракнинг 120 дан ортиқ мураккаб амалиётлари йўлга қўйилади ҳамда йилга 5 минг нафар беморда юқори технологик амалиётлар ўтказилади. Марказ фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 6 нафар кардиохирург ва интервенцион кардиолог мутахассислар тайёрланади.

Филиалнинг Рентгенэндоваскуляр хирургия бўлими фаолиятини янада такомиллаштириш асосий мақсадларимиздан бири. Бу бўлим 2014 йилдан буён фаолият юрляпти. Бўлим 20 ўринга ихтисослаштирилган, 5 нафар интервенцион кардиолог, 12 нафар ўрта тиббиёт ходими, 9 нафар кичик тиббиёт ходими меҳнати туфайли 2017–2021 йиллар мобайнида 5600 нафар беморда юқори технологик текшириш ва даволаш амалиётлари ўтказилди. Бўлимда Тошкент шаҳридан сўнг республика вилоятлари ичида биринчи бўлиб коронар ва периферик томирларни стентлаш, ортирилган ва тўғма юрак нуқсонларини интервенцион усулда бартараф этиш, ҳар хил юрак аритмияларида радиочастотали абляция, бачадон, простата бези артериялари эмболизацияси, электрокардиостимулятор, кавафилтър ўрнатиш, тери орқали жигар ичи ўт йўллари дренажлаш амалиётлари йўлга қўйилди. Бу билан филиалимиздаги интервенцион хизмат жаҳон стандартларига яқинлаштирилди.

— Аҳоли саломатлигини мустахкамлаш, хусусан, юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда энг муҳим омил — соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этиш экани мунтазам таъкидланмоқда...

— Аввало, Президентимиз қайд этганидек, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ҳар йили энг намунали маҳалалар танлаб олинди, уларда замонавий фитнес кўчаларини барпо этиш учун Ўзбекистон бўйича 100 миллиард сўм йўналтирилди. Узоқ йиллик тажрибамга таяниб, фикр билдирмоқчиманки, аҳолининг турли қатламлари учун оддий ҳаётий йўл-йўриқлар мавжуд.

Биринчидан, вилоятдаги 40 ва ундан юқори ёшдаги фуқароларда юрак қон-томир хавфини аниқлаш бўйича тизимли равишда скрининг текширувлари ўтказилади. Иккинчидан, аҳоли ўртасида савол-жавоб ва қўриқлар ўтказиш орқали уларда юқумли бўлмаган касалликлар хавфи омиллари аниқланади ва индивидуал маслаҳатлар берилади. Учунчидан, тўғри овқатланиш тамойиллари, жисмоний фаоллик асослари, шахсий гигиенанинг аҳамияти, зарарли одатларга берилмаслик бўйича тарғибот тадбирлари кучайтирилади. Тўртинчидан, маҳалалар ва хонадонларда, шу жумладан, узоқ ва олис ҳудудларда аҳоли орасида соғлом турмуш шакллантириш, бадан тарбия машғулотларини кундалик фаолият тарзига айлантириш, гигиена қоидаларига сузис риоя этиш, ортиқча вазн ва семизлиқни йўқотиш, фуқароларнинг ўз соғлиғига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш ишлари амалга оширилади. Бешинчидан, маҳалалар кесимида юқумли бўлмаган касалликлар бўйича “Аҳолининг саломатлик профили” яратилиши ва қўчалар кесимида касалликларнинг олдини олиш ишлари “маҳаллабай”, “хонадонбай” ташкил этилади. Олтинчидан, ҳафтада камида бир марта иш вақтидан кейин барча идоралар, қорхона ва ташкилотлар, маҳаллий давлат органларининг раҳбарлари ва ходимлари жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шугулланиши бўйича таъсирчан тушунтириш ишлари олиб борилади. Еттинчидан, вилоят телевидениесида “Соғлом овқатланайлик” туркум кўрсатувлари тайёрланиб, тизимли равишда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни эфирга узатилиши давом эттирилади.

Асоратли юрак қон томир касалликлари вақтида эътибор берилмаган, даволанилмаган хасталиклар натижасида пайдо бўлади. Шу боис, ҳар бир инсон ўз соғлиғига асло бефарқ бўлмаслиги, профилактикани қанда қилмаслиги керак. Тилагим, ҳеч кимни оғриқ безовта қилмасин, юрагингиз доимо бир маромда уриб турсин.

— Суҳбатингиз учун ташаккур. Фурсатдан фойдаланиб, сизни ва барча ҳамкасбларингизни тиббиёт ходимлари кўни билан самимий муборакбод этамиз!

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Орифжон ЖУРАЕВ суҳбатлашди.

Президентимиз раислигида 9 ноябрь куни юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги ишлар танқидий муҳокама қилинди. Тиббиётнинг бирламчи бўлигини ривожлантириш, энг кўп тарқалган ва ўлимга сабаб бўлаётган касалликларни эрта аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирлари ўтказиш масалаларига эътибор қаратилди.

РИВОЖЛАНГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ УЗОҚ УМР ГАРОВИ

**Барно ОДИЛОВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Аҳолининг соғлом турмуш
тарзини қўллаб-қувватлаш
ва жисмоний фаоллигини
ошириш маркази
директори,
II даражали “Саломатлик”
ордени соҳиби**



Бугунги кунда юртимизда 78 фоиз ўлимнинг сабабчиси юқумли бўлмаган, аникроги, юрак-қон томир, эндокрин, хавфли ўсма касалликлари эканлиги ва бунинг 53 фоизи айнан юрак қон-томир касалликларига тўғри келаётгани қайд этилди. Юқумли бўлмаган, хавф омиллига кирувчи ана шу касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг тажрибаси босқичма-босқич ҳудудлардаги филиалларда қўлланилади. Ихтисослаштирилган кардиология хизматларини ҳудудгача тушириш, хизматлар турини 15 тадан 35 тага етказиш фуқароларнинг ўзи яшаётган жойда тиббий ёрдам олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади. Жойлардаги марказларда юқори технологик операция ва муолажалар ўтказиш йўлга қўйилади, улар зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланади. Соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ҳам зиммामиздаги муҳим вазифадир. Вилоят марказларида бу борада амалга оширилаётган ишларни туманларга татбиқ этиш, уларнинг географик жойлашуви, аҳолининг касаллиши кўрсаткичини инобатга олган ҳолда, кардиология бўлимини ташкил қилинади.

Бирламчи мурожаат қилган фуқароларга ихтисослашган тиббий ёрдам жойида кўрсатилади. Бунда беморнинг пойтахтга келишидаги овозгарчилигини, унга кетадиган сарф-харажатларни қамайтириш, ўзи яшаётган жойда тиббий хизматдан фойдалана олиш имкониятини яратиш назарда тутилган.

Йиғилишда аҳолининг 85 фоизи мурожаат қиладиган бирламчи тиббий санитария ёрдами алоҳида эътибор қаратилди. Бирламчи санитария тиббий ёрдами яхши ишламас экан, стационар муассасаларга юктамалар кўпаяверади. Мана шу масалаларда ҳам ечим кўрсатилди. Жойларда шифокорлар таъминоти бўйича муаммолар мавжуд. Мана шунинг учун ҳам 2000 дан зиёд бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида махсус кўриқхоналар ташкил қилинади. Унда ҳамшираларга 10 дан зиёд касалликларга ташхис қўйиш, скрининг тадбирларини ўтказиш ва шу орқали нафақат оила шифокорини, балки кардиолог, эндиринолог, невропатолог, онколог каби мутахассислар юктамаларини қамайтириш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу эса, шифокор вақтини кўпроқ бемор билан ишлашга йўналтиришга хизмат қилади. Айнан шу йўналишда

республикада ташкил қилинган 14 мингдан зиёд тиббий бригадалар ходимларини махсус курсларда ўқитиш ва 2022 йилдан бошлаб бу амалиётни йўлга қўйиш керак бўлади.

Инсоннинг носоғлом турмуш тарзи, одатларига боглиқ юқумли бўлмаган касалликлар муаммоси ҳамон кўпчилиқни ўйлантираётган масаладир. Ҳар қандай касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши. Асосий мақсад, аҳолининг саломатлигини яхшилаш, умр давомийлигини ошириш, соғлом кексалиқни таъминлашдир. Зеро, фақат соғлом миллат баркамол авлодни яратишга қодир бўлади.

Сўнгги беш йилда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича амалий ишлар қилинди. Президентимиз томонидан имзоланган қатор қарор ва фармонлар, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган. Мисол учун, ҳар битта маҳаллага спорт инструктори бириктириб берилди. Ёки ҳар битта маҳаллада фитнес клублар очилиши, саломатлик йўлқачлари барпо этилиши, фуқароларнинг пийда юргани учун маблағ ажратилиши инсон саломатлигига қаратилган юксак эътибордан далолат.

Мутахассислар бугунги кунда инсон соғлом турмуш тарзига амал қилиши орқали 100–120 ёшгача умр кўриши мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Бунда, албатта, озиқ-овқат таъминоти, дам олиш, сифатли тиббий хизмат, яшаб ва ишлаш таъминоти шарт-шароит билан таъминланиш каби омиллар муҳим ўрин тутади. Доим ҳаракатда бўлган инсонни турли хасталиклар четлаб ўтиши ҳам бор гап. Агар инсон кунига 8 қаватга зинадан кўтариладиган бўлса, мия фаолиятининг яхшиланиши ҳисобига альцгеймер касаллиги хавфи 45 фоизга қамаяркан. Кунига 30 дақиқа пийда юриш орқали ҳам эрта ўлим хавфини 20 фоизга қамайтирган бўламиз.

Шундай экан, ҳар бир инсон ўз соғлиғи, оиласи, фарзандлари саломатлигига эътиборли бўлиши шартлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Балиқчиликда инновацион усул орқали ҳосил олиш мумкин

Мухими, бозор ва дўкон расталарида балиқ турлари, саноат усулида ишлаб чиқарилган маҳаллий тайёр балиқ маҳсулотлари сони ва сифати ошди. Демак, хариддорнинг танлаш имконияти ҳам кенгайиб борапти. Авваллари ҳўжалиқлар томонидан асосан оқ ва чипор дўнгпешона, карп балиқлари етиштирилган бўлса, сўнгги йилларда хориждан импорт қилинадиган форель, осётр, лосос ва Африка лаққиси сингари турларни ўзимизда кўпайтириш ривожланиб бормоқда.

— Шу каби қимматбаҳо балиқларни етиштирувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан субсидиялар ажратилиб, 7 та ҳўжалик ишга туширилди ва улар сони 20 тага, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3,5 минг тоннага етказилди, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раиси ўринбосари Мақсуд Остонов. — Етиштирилаётган балиқларни юқори сифатли озуқа билан таъминлаш мақсадида омухта ем ишлаб чиқарувчи 2 та ҳамда балиқни қайта ишловчи 3 та корхона ишга туширилди. Ҳозир республикада омухта ем ишлаб чиқарувчи 67 та ҳамда балиқни қайта ишловчи 63 та корхона фаолият юритмоқда. Саноат усулида етиштириладиган балиқ турлари 5 тадан 9 тага етди.

Балиқнинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. У инсон организмни тазаловчи, суяк ва тишларни мустаҳкамловчи шифобахш таом саналади. Айниқса, тез ҳазм бўлиши ва парҳезбоплиги унинг қийматини янада оширади.

Яна бир устун жиҳати шундаки, балиқчилик қишлоқ ҳўжалигининг энг сердаромад соҳаларидан бири бўлиб, катта иқтисодий аҳамиятга эга. Маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар йили денгиз ва океанлардан бир неча ўн миллион тонна балиқ овланади. Уларнинг бир қисми тўғридан-тўғри таомга ишлатилса, қолгани қайта ишланиб, тузланган, дудланган, музлатилган ёки консерва ҳолида истеъмол қилинади. Балиқлардан қимматбаҳо балиқ мойи ва балиқ уни каби маҳсулотлар тайёрлаш ҳам оммалашган.

Юртимизда балиқчилик, айниқса, кейинги йилларда ривожланиб борапти. Ҳўдулларда сунъий қўллар кўпайиб, балиқчилик ҳўжалиқлари сони ортиб бормоқда. Тармоққа янгича технологиялар кириб келяпти. Айниқса, интенсив усулда балиқ етиштириш самарали натижа бермоқда. Бундан олинадиган юқори ҳосилдорлиқни оддий қўллар-

да ууддалаш қийин. Бунинг устига, интенсив усулда балиқ етиштириш учун катта майдонлар талаб этилмайди. Кичик, иччамгина жойга ўрнатиладиган сунъий ҳовуздан ҳам яхшигина ҳосил олас бўлади.

Шу боис, фермерларимиз балиқ етиштиришининг интенсив усулидан кенг фойдаланаяпти. Ёлпк сув айланлиш тизими, интенсив кичик сув ҳавзалари, кафас ва “шоли+балиқ” усулларида етиштирилган балиқлар инсон саломатлиги учун фойдали экани ҳам эътироф этилмоқда.

Бундай қулайлик, айниқса, қишлоқ жойларда одамларни иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишда кўл келяпти. Хусусан, аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш ҳамда кооперация усулида “хонадон — кооперация — кластер” занжири яратилиб, балиқ етиштирувчи оилалар сони жорий йил 800 тага етди. Бўстонлик, Шахрисабз, Қарши, Китоб ва Сарийосиё туманларида 134 та хонадонда форель балигини етиштириш йўлга қўйилди. 800 та ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланиб, етиштирилган балиқлар ҳажми 1 минг тоннага етказилди.

Ҳўдулларда балиқчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони ҳам ортиб бормоқда. Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги “Ифтихор Захро” ҳўжалигида балиқ боқишга мўлжалланган 6 та сунъий кўл ташкил этилган. 55 гектар майдондаги ушбу кўлларга эрта баҳорда 5 кил турдаги балиқ чавоқлари ташланиб, йилга 400 тонна балиқ етиштирилади. Ҳўжаликда 13 нафар киши иш билан таъминланган.

Тумандаги 128 та балиқчилик ҳўжалиқлари ҳам олаётган ҳосилдан мамнун. Жорий йилда уларга тегишли 2050 гектарли ҳавзаларда 6400 тоннадан ортик балиқ етиштириш мўлжалланган.

Қашқадарё вилоятидаги “Oktams fish” масъулияти чекланган жамиятида сазан, Африка лаққиси, оқ амур каби балиқ турлари етиштирилади. Яқинда улар орасига осётр ва вьетнам карпи ҳам қўшилди. Вилоятда илк бор бу турдаги балиқларни етиштириш йўлга қўйилди. Асосан, икра олиш учун боқиладиган осётр балиги эндиликда шу ерда маҳаллийлаштирилмоқда.

2018 йилда ташкил этилган мазкур балиқчилик ҳўжалигида интенсив усулда балиқ етиштириш учун 6 та сунъий ҳавза, 8 ва 4 сотихли бино-комплекслар яратилган. Айни вақтда 8 нафар доимий ва 5 нафар мавсумий ишчи меҳнат қилади.



ЕНГИЛ САНОАТ

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзимизда етиштирилаётган пахта хомашёсини тайёр маҳсулотга айлантириш ва жаҳон бозорига олиб чиқиш Президентимиз томонидан соҳа олдиға қўйилаётган бош талаблардан бири. Фақат шу йўсинда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳам маҳсулот етиштирувчиға, ҳам уни қайта ишловчиға ва, албатта, давлатимизға катта даромад келтиради. Зеро, пахта толасини сотиш билан уни тайёр маҳсулот тарзида савдоға чиқариш орасида ер ва осмонча фарк бор. Айни шу мақсадда жойларда пахта хомашёсини қайта ишловчи кўплаб корхона ва фабрикалар очилмоқда.

Хоразмнинг энг чекка худуди — Гурлан туманида ишга тушган “Гурлан глобал текс” масъулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик фабрикаси ҳам шулардан бири.

Замонавий кўринишдаги, барча қулайликларга эга фабрикаға Туркиядан умумий қиймати 587 минг АҚШ долларига тенг сўнгги русумдаги тикув машиналари ҳамда бошқа зарур жиҳозлар ўрнатилди.

Янги корхонаға “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ға киритилган 500 нафар хотин-қиз ишға қабул қилинди. Улар тикувчилик сирлари-

ГУРЛАНДА ЯНГИ ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИ

500 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади

ни ўқув марказларида ўрганишди ва малакали, тайёр ходимларға айланишди. Эндиликда улар ўз меҳнатлари билан оилаларининг моддий фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш имконига эга бўлгани қувонарлидир.

Янги фабрикада буюртма асосида маҳаллий

муассасаларға турли ўлчам ва кўринишдаги юз-дан ортик турдаги кийим-кечаклар тикилмоқда. Бундан ташқари, маҳсулотлар фақатгина ички бозорға йўналтирилмай, катта қисмини экспортға чиқариш режалаштирилган.

Таъкидлаш керакки, беш юз ва ундан ортик



ҳажмдаги сунъий сув ҳавзаси ўрнатилиб, балиқ чавоқлари солиб берилди. Ҳозирда 22 та хонадонға шундай ҳовузлар ўрнатилади.

— Биз тақлиф этаётган усулда ярим сотих жойда 6 ойда 1 тоннаю 200 килограмм, 1 йилда 2-2,5 тонна балиқ олиш мумкин, — дейди Абдор Нарзиев. — Бу 35 миллион сўм даромад дегани. Талабгорларнинг уйлариға ўрнатиб бераяпмиз. Уларда минг донга чавоқ боқилади. Бу ишни ҳар ким ўз хонадонида, банддан 33 миллион сўм кредит олиш ҳисобига бошлаши мумкин. Бироқ ҳовузларни аввал озроқ ўрганиб, кейин иш бошласа, яхши натижа бўлади. Ўзим биламан, ўзим ууддалай оламан, деган фикр бўлмаслиги керак. Имкон қадар ёшларни, шу ишға қизикувчиларни оддин ўқув курсларимизда беғул ўқиб, кейин иш бошлашини тавсия қилаймиз.

Янги тажриба давлатимиз раҳбарини ҳам бефарқ қолдирмади. Президентимиз жорий йилнинг 21 октябры кунини вилоятға таширфи чоғида кластерда балиқ етиштириш жараёнини кўздан кечириб, бу тажрибани оммалаштириш, аҳолини жалб этиш зарурлигини таъкидлади. “Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, камбағаллиқни қисқартириш деяпмиз, ҳар бир хонадонда даромад манбаи яратишни ўйлаймиз. Мана, тайёр лойиҳа. Шундай ҳовузларни етказиб бериб, тартиб-қоидасини ўргатиб, уи шароитида балиқ боқишни кўпайтириш керак”, деди Шавкат Мирзиёев.

Айни пайтда кластерда ишлаб чиқарувчиларни хомашё ва айланма маблаг билан таъминлаб, сунъий ҳовузларни кўпроқ тайёрлаш ва жойларға

ҳажмдаги сунъий сув ҳавзаси ўрнатилиб, балиқ чавоқлари солиб берилди. Ҳозирда 22 та хонадонға шундай ҳовузлар ўрнатилади.

— Биз тақлиф этаётган усулда ярим сотих жойда 6 ойда 1 тоннаю 200 килограмм, 1 йилда 2-2,5 тонна балиқ олиш мумкин, — дейди Абдор Нарзиев. — Бу 35 миллион сўм даромад дегани. Талабгорларнинг уйлариға ўрнатиб бераяпмиз. Уларда минг донга чавоқ боқилади. Бу ишни ҳар ким ўз хонадонида, банддан 33 миллион сўм кредит олиш ҳисобига бошлаши мумкин. Бироқ ҳовузларни аввал озроқ ўрганиб, кейин иш бошласа, яхши натижа бўлади. Ўзим биламан, ўзим ууддалай оламан, деган фикр бўлмаслиги керак. Имкон қадар ёшларни, шу ишға қизикувчиларни оддин ўқув курсларимизда беғул ўқиб, кейин иш бошлашини тавсия қилаймиз.



ишчи-хизматчиға эға бўлган корхоналар сони вилоятда тобора ортиб бормоқда. Бу аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— “Гурлан глобал текс” мен ва оилам учун чинакам совға бўлди, — дейди янги корхонада иш бошлаган Гулнора Кўрбенова. — Уйида

етказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бир пайтлар ишни минг машаққат билан бошлаган Абдор Нарзиев бугун нафақат яхши даромад топиш, балки кам таъминланган оилалар, ёшларни иш билан таъминлаб, уларға ўз ишларини бошлашларида кумак беришни мақсад қилган.

Беш баробар юқори ҳосилдорлик

Балиқчилик тармоғида фаолият юритаётган тадбиркорларимиз соҳани ривожлантириш мақсадида арзон ва сифатли озуқа манбаини яратиш, ҳўжалиқларда асқатадиган замонавий ускуналарни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришға ҳам сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Жумладан, республикада балиқ етиштириш ҳосилдорлиги паст бўлган сунъий сув ҳавзалариға азратор, яъни сувни ҳаво билан аралаштириб, тўйинтириб берувчи мосламаларни ўрнатиш ҳисобиға балиқ етиштириш ҳосилдорлиги гектаридан 5 бараварға оширилди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 3,2 минг гектар сунъий сув ҳавзаларида 3 530 та азратор мосламалари ўрнатилган бўлиб, йил якуниға қадар уларнинг майдонини 5,7 минг гектарға етказиш режалаштирилмоқда.

Кармана туманидаги “Голден лайк фиш” МЧЖ томонидан эса республикада илк бор балиқчилик соҳаси ва экотуризм учун катер ва қайиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Республика табиий сув ҳавзаларида камайиб бораётган судак балигининг йўқолиб кетиш хавфини камайтириш мақсадида Хоразм вилотидаги “Хива Қорақўл” фермер ҳўжалиги томонидан ушбу балиқ урчитилиб, илк бор судак балиқ чавоқлари етиштирилмоқда.

— Қўбрай туманидаги “БДҚ” корхонаси томонидан эса Германиянинг “Argavis” концерни билан корхориқда республикада биринчи марта балиқларнинг азрананоз касаллигиға чидамлилигини орттирувчи емни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди Мақсуд Остонов. — Шунингдек, табиий ва сунъий ҳавзаларда озуқа биомассасини ривожлантирадиган, сувнинг шўрланиш даражаси камайишиға ва кислороднинг ошишиға олиб келадиган хлорелла ўсимлиги интродукция этилди. Мазкур ўсимлик карп балиқлари ҳосилдорлиги 4-5 баравар ошишиға олиб келади.

Ўсимлиқни Тошкент ва Хоразм вилотларидаги сув ҳавзаларида кўпайтириш синов тарикасида текшириб қўрилганда, сувнинг шўрланиш даражаси 2 бараварға камайиб, кислород даражаси 3 бараварға ошгани кузатилди. Ҳозир ундан Андижон, Наманган, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилотларида балиқчилик соҳасида фойдаланиш бошланди.

Умуман, балиқчилик ҳўжалиқлари, кластерлар томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар ички бозорларимизни йил ўн икки ой тўлдириб турибди. Аҳолини арзон ва сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлашни самарали йўлга қўйиш мақсадида умумий овқатланиш шохобчалари, йирик ва кичик савдо марказлари ҳамда деҳқон бозорларидаги савдо нуқталари орқали етказиб берилмоқда. Айни пайтда республикадаги деҳқон бозорларида тирик балиқ сотиш учун 148 та маҳсус аквариумли савдо нуқталари ташкил этилган. Биргина Тошкент шаҳри бозорларида 58 та савдо нуқталари орқали ҳар кил турдаги балиқлар харидорларға тақдим этиляпти.

Балиқчилик тармоғида жорий йилнинг 9 ойда 520,1 миллиард сўмлик 199 та лойиҳа ишға туширилиб, 1 370 та янги иш ўрни яратилгани аҳолининг балиқ маҳсулотлариға бўлган талаби юқори эканидан далолат беради. Соҳаға янги, инновацион технологияларни жорий этиш жадал давом этмоқда. Жорий йил якунида республикада 400 минг тонна балиқ етиштириш ҳамда аҳолининг йиллик балиқ истеъмоли кўрсаткичини 8,5 килограмдан 11,5 килограмгача етказиш режалаштирилмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Қуёшли заминимизда деҳқону боғбонлар меҳри, меҳнати билан пишиб етиладиган мазали мева-сабзавотларимиз дунё бозорида ўз харидорига эга. Айниқса, хусайни, тойфа, Ризамат ота, келинбармоқ ва кишмиш сингари узум навларимизни узок ўлкаларда ҳам билишади.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



ТОМОРҚАДАГИ УЗУМЗОРЛАР — ИККИ ҚАРРА ДАРОМАД ДЕГАНИ



Элмурод МАМАРАҲИМОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон
ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаши бош мутахассиси

Юртимизда азалдан узумчилик аънаанаси ривожланган. Ҳар бир кўча, хонадонда ток бўлган. Пишиб етилган узумлардан уй шароитида майиз ҳам тайёрланган. Халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан бевосита боғланиб кетган узумчилик давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги йилларда замонавий соҳа сифатида ривожланиб, одамларнинг даромад манбаига айланмоқда.

Республикаимизда сўнгги тўрт йилда 52 минг гектар янги тоқзор ташкил этилиб, соҳага 210 миллиард сўм субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу давр мобайнида мева-сабзавотлар экспортда узумнинг улуши 2 бараварга кўпайди.

Соҳани янада ривожлантириш, узумчилик билан шуғулланиш истагидаги юрдошларимизга имтиёзлар бериш мақсадида жорий йилнинг 28 июль кунини “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинган эди. Унда 2021 йил 1 сентябрдан аҳоли томорқалари, маҳаллаларда узум етиштиришни кенгайтиришнинг янги механизмларини жорий этиш белгиланди. Қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 48 та туман узум етиштиришга ихтисослаштирилади. Мазкур туманлардаги 156 минг гектар майдонда, жумладан, 25,5 минг гектарга аҳоли томорқаларида серхосил, экспортбоп узумзорлар барпо этилиб, уларни истеъмолчига етказишга қадар узлуксиз тизим яратилади.

Айни пайтда ана шу ишларни ташкиллаштириш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан тизимли ишлар олиб бориламоқда. 2021 йил куз ойи ва 2022 йил баҳор ойларида республикаимизнинг 48 та тумандаги 658 минг аҳоли томорқаларига 25,7 минг туп серхосил, экспортбоп узум навларини экиш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилди.



Ўрганишлар жараёнида одамларнинг узумчиликка бўлган қизиқиши ортиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, турли кўринишдаги енгиллик ва имтиёзлар тажрибали боғбонларни янада руҳлантирди. Бугун шу йўналишда меҳнат қилаётган миришкор фермерлар, боғбонлар, томорқа ер эгалари ҳамда оилавий деҳқон ҳўжалиklarининг саъй-ҳаракатлари билан дастурхонимиздан узум аримайди.

Фарғона боғдорчилиқ, хусусан, узумчиликда катта тажрибага эга вилоятлардан. Хонадонлар ҳовлисида пишиб етилган ҳосилни истеъмол қилиб, ортганини сотувга олиб чиқади. Олтиариқ туманида яшовчи Адҳамжон Маҳмамов 14 сотих томорқасига 375 туп турли узум навларини эккан. Ҳар йили 6-7 тонна ҳосил олиб, 60–65 миллион сўм даромад топяпти. Хонадон эгаси ток тагидаги ерни ҳам бўш қолдирмайди. Майдонга ишлов бериб, куз ойларида тўқсонбости усулида саримсоқпиез ва ҳар хил турдаги кўкатлар экади. Баҳор ойларида йиғиб оладиган 1 тонна ҳосилидан 2,5–3 миллион сўм қўшимча даромади бор.

Узум жой танламайди. Ота-боболаримиз айтганидек, меҳр, парвариш бўлса бўлгани. Экилган ток кўчати бир неча ўн йилгача ҳосил бериши мумкин. Улар ортиқча сув талаб қилмайди, йилда 2 ёки 3 марта сув ичса kifоя.

Узумчиликнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам, ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Масалан, 1 гектар хўраки узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм харажат қилиб, 4 йилдан кейин йилига 250 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Шунингдек, узум данагидан олинadиган ёғ ҳам жаҳон бозорида харидориги.

Бугун юртимизда худудлар узумчиликка ихтисослаштирилляпти. Бу бир маҳалла, туман миқёсида сифатли, экспортбоп узум етиштиришга йўл дегани. Пискент туманининг “Мингтепа”, “Беҳобод”, “Янгиобод” ва “Бирлик” маҳаллаларида деярли ҳар бир хонадонда узум етиштирилади. Мингтепанинг эртанишар чиллаки, оқ чиллакилари, қишгача сақланадиган хусайни, кади хусайнилари, ғоят хуштаъм, майизбоп шувилғон (қишмиш)лари нафақат Ўзбекистон, балки чет ўлкаларда ҳам машҳур.

Паркент узумларинику айтмаса ҳам бўлади. Худудда фермер ҳўжалиklarидан тортиб, оддий аҳолигача узум етиштиришда катта тажрибага эга. Шу туманда истикомат қиладиган Меҳриддин Уролов ҳам 8 сотих томорқасида 198 донга тойфа, кишмиш, Ризамат ота каби узум навларини етиштириди. Ҳар йили узумдан 7-8 тонна ҳосил олиб, 50–55 миллион сўм даромад топаётган бу инсон ток тагидаги бўш ердан унумли фойдаланишни ҳам йўлга қўйган.

Умуман, тадбиркорлик қилишга иштиёқи ва даромади бор одамлар кенг даштларни ўзлаштириб, қўрқмасдан тоқзорга айлантиришга



бел боғламоқда. Чунки узумчиликнинг келажиги, даромади бор, маблағ тикса, ўзини оқлайдиган, меҳнат қилса, кўзланганидан ортиқ натижа берадиган, ҳосил ва даромадани кўп қуттирмайдиган соҳа ҳисобланади. Муҳими, ушбу йўналишга давлат томонидан катта эътибор қаратилиб, зарур ресурслар, кенг имкониятлар яратилляпти. Бу эса деҳқон ва фермерларга, томорқа ер эгаларига катта рағбат бераётгани рост.

Табиийки, шу омиллар сабаб мамлакатимизда узум ҳамда майиз экспорти бўйича кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон 43 та хориж давлатига қиймати 105,2 миллион долларга тенг бўлган 140 минг тонна узум экспорт қилган.

Жорий йил 7 июль кунини Президентимиз узум етиштириш, уни сановат усулида қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда худудларда энотуризмни йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, бугунги бозор талаби таҳлил қилинганда, узумчилик соҳасида жуда катта имкониятлар борлиги кўзга ташланади. Европада 800 миллион, Хитойда 600 миллион, Россияда 300 миллион, Ҳиндистонда 250 миллион долларлик экспорт бозори мавжуд. Шу вақтгача уста боғбонларимиз етиштирган машҳур ва сархил меваларимиз қайта ишланмаган, шундоқина бозор расталаридан жой олган. Энди эса уларни қайта ишлаш, тайёр, экспортбоп товарлар сонини кўпайтириш, республикаимизни эса арзон ва сара мева-сабзавот таъминотчисида сановати ривожланган давлат сифатида дунёга танитиш йўлида залворли вазифалар амалга ошириляпти. Бунинг учун манзилли молиявий қўмак кўрсатилиши белгиланган. Хусусан, Президент қарори билан узумзорлар ташкил этишни молилаштириш учун банкларга 100 миллион доллар ресурс ажратилди. Тоқзорлар барпо этиш ва эскиларини янгилашни рағбатлантириш мақсадида сертификатланган янги узум плантацияларининг ҳар бир гектарига 10 миллион сўмдан субсидия берилади.

Узум етиштириш, уни қуритиш, қадоқлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишнинг тўлиқ циклини яратиш мақсадида узумчилик кластерларини ташкил этиш бўйича ишлар олиб бориляпти. 2021–2023 йилларда умумий қиймати 3,2 триллион сўмлик 4 724 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, 50 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тармоқни тубдан тақомиллаштириш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган узумчилик аънаваларини янги босқичга олиб чиқиш йўлида қадимлар ташланмоқда. Шубҳасиз, бу чора-тадбирлар юртимиз узум навларининг миллий брендини яратиш, уларни хориж давлатларида тарғиб этиб, экспорт қўламини кенгайтириш, қолаверса, узумчиликнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига улушини оширишга хизмат қилады.

Яқинда Учқудуқ туманида “Аёллар дафтари”га киритилган 18 нафар хотин-қизга тикув машинаси, газ плитаси ва электр печлар берилди. Улар сафида Бузаубай овулидан Дилором Ўринбоева ҳам бор эди.

АЁЛЛАР ДАФТАРИ: меҳр ва эътибордан юксалган ишонч

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Асли самарқандлик бўлган Дилором Бузаубай овулига келин бўлиб келган. Бугун катта оила, ейман-кияман деган ёшга етган болалар, рўзгордаги муаммолар туфайли унинг ташвишлари ортган. Бирон жойда ишлай деса, қўлида тикувчиликдан бошқа хунари йўқ. Рўзгор, қора қозонни қайнатмаса бўлмайди. Тирикчилик ғамида нима қиларини билмай турган кезде давлатимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли унинг юки енгиллашди.

— Эски ва унчалик ҳам талабга жавоб бермайдиган машинада қийналиб бўлса-да, тикувчилик қилиб юраддим. Тўғрироғи, ишсиз эдим, — дейди Дилором Ўринбоева. — Бугун эса қилаётган меҳнатимни оsonлаштириш учун янги тикув машинаси берилди. Мақсадим — овулдошларимга бежирим қўйлақлар тикиб бериш ва бунинг орқасидан оилам бюджетига ўз хиссамни қўйиш. Бундай имконият нафақат менга, балки кўплаб хотин-қизларга ҳам яратиб берилмоқда. Масалан, пазандалик билан шуғулланиб келаятган аёлларга субсидия асосида электр печ ва газ плиталари совға қилиняпти. Бу оилалар фаровонлигини таъминлашда катта ёрдам бўляпти.

Албатта, манзилли қўмак аёллар бандлигини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилады. Бунинг туманда “Аёллар дафтари”даги ижтимоий ёрдамга муҳтож 1 ва 2-гурӯх ногиронли бўлган хотин-қизларга кўрсатилаётган амалий ёрдамлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Ана шундай тоғфадаги аёллардан бири Навоий маҳалласида истикомат қилады.

Гавҳар Жумабекова бир пайтлар болалар боғчасида ишлаган. У касбининг жуда яхши кўрарди. Аммо тақдир тақозоси билан соғлиғи ёмонлашиб, уйда ўтириб қолди.

— Бугун давлатнинг қўмагини, маҳалланинг эътиборини чинакаммага ҳис этдим. Мени дард билан ёлғиз қолдирмаган, доимо мендан бохабар бўлиб турган инсонлардан миннатдорман. Гўё меҳр ва эътибордан оёққа турдим, — дейди Гавҳар Жумабекова. — Чунки ногиронлигим туфайли қанчалар эзилсам, уйимнинг абгорлигидан, чорасизлигимдан қийналардим. Шундай огир паллада уйимга ҳокимлик ва маҳалла вакиллари кириб келишди. Улар оилавий шароитим билан қизиқди. “Зинҳор тушқунликка тушманг, сиз каби инсонларга катта ғамхўрликлар кўрсатиляпти. Сизни ҳеч ҳам ёлғизлатиб қўймаймиз. Мана, кўрдик, уйингиз анча абгор ҳолга келиб қолган экан. Уйингизни таъмирлатиб берамиз”, дейишди. Ҳозир уйим тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Эски эшик-де-разалар янгисига алмаштирилди, шифтларга қандиллар илинди, янги гиламлар тўшалди, ошхона газ плитаси ва музлатгич билан жиҳозланган, ёрдамчи хоналарга қўлай қилиб ванна, сув иситтич ва бошқа жиҳозлар ўрнатилди. Назаримда, бундан ортиқ эътибор бўлмаса керак.

Бугун “Аёллар дафтари”ни варақлаб, унда турфа тақдирлар борлигига гувоҳ бўламиз. Негаки, баъзан ҳаётнинг оғир зарбалари одамни эсанқиратиб қўяди, шу билан бирга, тақдир раво кўрган қисмат билан яшашга маҳкум бўлади инсон. Нима бўлганда ҳам ҳаёт учун курашдан чекинмаслик, матонат ва сабот билан олға интилиш керак. Аммо ҳаммиса ҳам бунга етарли куч тоғполмай қоламиз. Ўзимиз биллиб-билмай ён-атрофимиздан мадад ва меҳр қўтамыз.

Шундай вазиятда бир кичик туртки ҳам инсон ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин.

Учқудуқ туманидаги “Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинида яшовчи **Дилбар Жабборова** ҳам азият чеккан аёллардан бири. У “Аёллар дафтари”га киритилган. Вояга етмаган икки фарзандини ёлғиз ўзи катта қилляпти. Бир хонали уйда яшарди. Ўзбек аёлига ҳос андани уни оstone хатлаб чиқишга, эшик қоқиб ёрдам сўрашга йўл қўймадди. Шундай пайтда хонадонма-хонадон ўрганишлар аёлнинг ичини кемирган ташвишларига ечим бўлди. Аввало, Дилбар опанинг бандлиги таъминланди, ишга жойлаштирилди. Сўнгра ҳомийлар қўмағида бир хонали уйи кенгайтириб берилди. Ўзи ва болалари муносиб шароитда яшашлари учун уйга барча жиҳозлар олиб келинди.

— Уйингизни ҳам таъмирдан чиқарамиз, деганларига бошим осмонга етди, — дейди Дилбар Жабборова. — Тез қўнда бир хонаминг ёнидан қўшиб яна уй солишди. Уйинг томини ёпиб, шифер қилишди. Янги пол қоқишди. Деворларини таъмирлаб, дераза-эшиклар ўрнатилди. Худди туш кўраётгандек бўламан. Гўёки бировнинг уйига кириб яшаётгандекмиз. Болаларим билан хўзурлиб яшашимиз учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Яна бир гап. Болаларимнинг қишки қийим-кечакларини ҳам ҳомийлар олиб берди. Шу ёшга чиқиб эътибор, эъзоз нималигини ҳис қилдим. Бундан бошим кўкка етди.

Учқудуқ тумани юртимизнинг энг олис ва чекка худудларидан. Бугунги кенг қўламли ўзгаришлардан бу худудда яшаётган Дилбар Жабборова сингари кўплаб аёллар ҳам миннатдор. Учқудуқ тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи уринбосари Дилдора Саъдуллаева билан суҳбатлашиб, бунга яна бир қарра ишонч қўқка қилдик.

— Туманда 398 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га киритилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги мавжуд, уй-жойини таъмирлашга, тиббий ҳимояга, ҳуқуқий ёрдамга, психологик маслаҳатга эҳтиёжмандларга қўмак кўрсатиламоқда, — дейди Дилдора Саъдуллаева. — Бугунги кўнга қадар 398 нафар хотин-қизга тегишли ёрдам кўрсатилди ва уларнинг муаммолари ҳал этилди. Хусусан, 82 нафар ишсиз хотин-қизнинг 17 нафари доимий иш билан таъминланди, 42 нафари ўз-ўзини банд қилди, 6 нафари “Хўнармандлар” уюшмаси томонидан касб-хўнарга ўқитилди, 3 нафарига ишсизлик нафраси тайинланди, 2 нафар аёлга 2 ёшгача, 1 нафарига 14 ёшгача бола пули тўланмоқда, 1 нафарига 6 ойлик моддий ёрдам ажратилди. 6 нафар ишсиз аёлга 114 000 000 сўм микро-ёрдам кредит ажратилди. Шунингдек, 34 нафар аёлнинг ҳар бирига 980 000 сўмдан, жами 33 320 000 сўм бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. “Аёллар дафтари”га киритилган касб-хўнарга ўқиш истагида бўлган ишсиз хотин-қизларга субсидия асосида тикув машиналари берилиб, касб-хўнарга ўқитилди.

Муҳтасар айтганда, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аввало, ҳимоят етакчисига айрилтиришга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад — аёл бахтли бўлсин! Негаки, аёлнинг ҳаётдан кўнгли тўлса, хонадони фариштали, фарзандлар бахтиёр бўлади, эртанги кўнга ишонч ортади.





УЗОҚ ВА ЯҚИН МОЗИЙ

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЭСКИ ШАҲАР

Ўтмишга назар

Бугунги қиёфа

Тошкент қадимдан илм-фан, ҳунар-мандчилик, санъат ва маданият маркази бўлиб келган. 2200 йиллик ўтмишга эга бош кентимиз шарқона шаҳарсозлиқнинг гўзал намуналари акс этган Эски шаҳар ва замонавий шинамлик мужассам “Янги шаҳар” қисмларидан иборат. Бугун у турли халқлар ва маданиятлар уйғунашган макон, дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибат рамзига айланган. Яқин ўтмишда “Шарқ машъали”, “Шарқ юлдузи”, деб аталган Тошкент турли анжуманлар, кинофестиваль, илмий конференция ва кўргазмалар, халқаро тинчлик учрашувларига мезбонлик қилган ва бугунги кунда ҳам бу бетакорор кентда кўплаб нуфузли халқаро анжуманлар ўтказилмоқда.

Сўнгги йилларда барчамизнинг кўз ўнгимизда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда. Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган тураржойлар, ижтимоий объектлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига янада қулайлик яратмоқда.

Утган асрнинг 50-йилларида олимлар Чорсу, жумладан, Қўқалдош мадрасаси атрофида ўтказган геологик ўрганишлар маданий қатламлар, асосан, X–XII асрга, энг қадимий VIII асрга бориб тақлишини кўрсатди. Шунингдек, Қалла-хона маҳалласидаги қазимша ишларида X асрга оид қабрлар, оқсуариёлар топи-ланган. Айрим олимлар фикрига кўра, бу ерда ҳали шаҳар барпо бўлишидан илгари ҳам манзилгоҳлар мавжуд бўлган.

Ҳазрати Имом мажмуаси атрофидаги қазимшаларда X асрга оид сопол ашё-лар топи-ланган. Бу далилларнинг бари Эски шаҳар “Чорсу” бозори марказидан бошланиб, атрофга томон кенгай- боргани ва қадим Тошкентнинг бой тарихидан далолат эканини кўрсатиб турибди. Асрлар давомида маҳаллалар йириклашиб, шарқ меъморчилигининг, ислом шаҳар-созили-нинг ноёб намуналари вужудга келган. Маҳаллий иқлим шартидан келиб чиқиб, аждоқларимиз иссиқ ва совуқдан яхши ҳимояловчи қурилиш материалла-ри, ўзига хос услубда уйлар, маҳаллалар яратишган. Бир-бирига туташиб кетган баланд-паст уйларда, кўпинча, жанубга қарата очик айвонлар қурилган, бу ай-вонлар орқадаги хоналарни ёз жазирама-сидан сақлаб, мўтадил ҳароратни таъ-минлаган. Ҳовлиларга мевали дарактлар эки-либ, узум сўриси тикланган.

Буларнинг ҳаммаси микроклим ва шинамлик яратган. Берк кўчалар — йўлақлар, одатда, бир нечта хонадонлар-га олиб борган. Баъзан улар устига бос-тирма ёки болохоналар қурилиб, жойдан унумли фойдаланилган. Бостирмаларда киш учун мева-чевалар сақланган. Бой хонадонлар, асосан, ички-ташқи ҳовли-ли уйлар қурган. Ташқари ҳовлида отхо-на (ҳозирги тилда қараж), меҳмонхона, ёрдамчи хоналар бўлган. Ичкари ҳовли-дан ётоқхона, аёллар хоналари, ошхона ва бошқалар жой олган. Эски шаҳардаги бу маҳаллалар асрлар давомида сай-қалланиб, ноёб шарқона шаҳарсозлик намунасини вужудга келтирди. Афсуски, бу маҳаллаларнинг кўпи яқин ўтмишда бузиб ташланди. Сақланиб қолган қисми эса тарихни ўрганишда, қолаверса, туризм ривожига ўта аҳамиятлидир.

Узбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 сентябрь куни “Тошкент шаҳрида “Эски шаҳар” туризм зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Юртимизнинг



туризм салоҳиятини янада ошириш, ҳу-сусан, Тошкент шаҳрининг эски шаҳар ҳудудида мавжуд маданий-маърифий ва маънавий-диний объектлардан са-марали фойдаланган ҳолда туризм тармоғини ривожлантириш, бўш турган бино ва иншоотлардан самарали фой-даланиш, хорижий инвестицияларни жалб этишни мақсад қилган мазкур ҳуж-жат ҳудуднинг келгусидаги истиқболини белгилаб берди.

Тошкент шаҳрида 2200 йиллик, ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда бун-ёд этилган археология ёдгорликлари, ўрта асрларга оид масжид, мадраса ва мақбаралар, XX аср меъморчилиги, кўп-лаб музей, галерея, кинотеатр, цирк ва хайкаллар, кўнгилоҳлар боғлар, бозор-лар мавжуд. Лекин негадир сайёҳларни,



“АЙНИ ПАЙТДА БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ЯҚИН КУНЛАРДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНГ ЎЗТИБОРЛИ ҚАДАМЖОЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНШИ АНИҚ, БУ ДАРГОҲ ДАСТЛАБ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ НОМИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 2017 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ КУНИ ҲАЗРАТИ ИМОМ МАВЗЕСИДА ДИНИЙ УЛАМОЛАР, ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЖАРАЁНИДА УНИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ДЕБ АТАШ ТАШАББУСИНИ ИЛГАРИ СУРДИ. ЧИНДАН ҲАМ, МАДАНИЯТ БИЛАН ЦИВИЛИЗАЦИЯ АТАМАЛАРИ ЎРТАСИДА КАТТА ФАРҚ БОР. МАДАНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ БИР ҚИСМИНИ АНГЛАТАДИ, ЦИВИЛИЗАЦИЯ СЎЗИ ЭСА ЖУДА ЧУҚУР, КЕНГ МАЪНОГА ЭГА БЎЛИБ, УНИНГ РИВОЖЛАНГАН ШАКЛИ РЕНЕССАНС ДЕБ АТАЛАДИ.

асосан, Эски шаҳар ҳудудида учратамиз. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ёки яқка ҳолда “Чорсу” бозори, Эски шаҳар, Сағбон, Хастимом, Чувалачи, Чигатойнинг жин кўчаларида айлиниб, бу ерларни томо-ча қилишади, суратга олишади. Албатта, шарқона ранг-барангликни сақлаб қолган Эски шаҳарни очик осмон остидаги му-зей, десак, асло муволаға бўлмайди. Бу ерда қадим Тошкентнинг руҳи, қалби му-жассам.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ту-ризм-сайёҳлик йўналиши нечоғли да-ромадли эканини эндиликда тобора яхши тушуниб етмоқдамиз. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Буларнинг бари маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилади. Аммо яқин вақтга қадар ушбу ёд-горликлар ва маданият масканларидан унумли фойдаланиш борасида, уларнинг инфратузилмаси бўйича етарлича ишлар қилинмаган эди.

2019 йилнинг бошида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маъри-фий ишлар бўйича қотибияти ташаббуси билан Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармаси мутахассислари, Тошкент шаҳар Туризмни ривожлантириш депар-таменти билан ҳамкорликда олимлар, ар-хитекторлар, санъатшунослар, археолог ва рассомлар, халқаро туризм соҳаси ва-киллари ҳамда маданият намоёндалари иштирокида тегишли комиссия тузилиб, қатор ташкилий-амалий ишлар бошлан-ди. Комиссия томонидан нисбатан қисқа вақт ичида туризм соҳасида қилиниши лозим бўлган ишлар концепцияси ишлаб чиқи-либ, бу борадаги бирламчи вази-фалар белгиланди. Натижада, Тошкент шаҳридаги туризм учун аҳамиятли яна

40 дан ортиқ маданий мерос объектлари ва уларда туризм учун яратилиши лозим бўлган ишлар режаси ишлаб чиқилди.

Тошкентни Эски шаҳарсиз тасаввур қилиш қийин. Бу ҳудуддаги қадимий маҳаллалар ҳамда “Чорсу” бозори очик осмон остидаги музей сифатида эътироф этилганини, унинг туризм салоҳиятини оширишдаги аҳамиятини алоҳида таъки-длаган бўлар эдик. Зеро, юртимизга кел-ган меҳмон борки, аввало, пойтахтнинг миллий руҳ уфуриб турган ушбу қисми ва ундаги кўҳна “Чорсу” бозорини кўр-гиси келади. Шу боис, комиссия ташаб-буси билан Тошкент шаҳрида Туризм-ни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилиб, қисқа вақтда туристик объект-лар — маданий мерос ёдгорликлари ёни-да керакли инфратузилмалар яратилди.

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ 2017 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРЬ КУНИ “ТОШКЕНТ ШАҲРИДА “ЭСКИ ШАҲАР” ТУРИЗМ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРНИ ИМЗОЛАДИ. ЮРТИМИЗНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ХУСУСАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЭСКИ ШАҲАР ҲУДУДИДА МАВЖУД МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА МАЪНАВИЙ-ДИНИЙ ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, БЎШ ТУРГАН БИНО ВА ИНШООТЛАРНИ САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН МАЗКУР ҲУЖЖАТ ҲУДУДНИНГ КЕЛГУСИДАГИ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.

Зиёрат туризми

Зиёрат туризми ҳам сайёҳликнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Тошкент шаҳрида зиёрат туризмни ривожланти-ришнинг ҳали ишга солинмаган имконият-лари мавжуд. Шаҳарда муқаддас ди-нимизнинг эзгу ғояларини тарғиб этиш, руҳий тарбия борасида буюк хизматлар қилган Ясавия, Нақшбандия, Суҳравар-дия каби ва бошқа суфийлик мактаблари машҳур алломаларининг мақбара-зиё-ратгоҳлари, хонақолири мавжуд. Бундай муқаддас зиёратгоҳлар сирасига Шайх Кафпол Шоший, Шайх Зайниддин бобо, Шайх Ҳованд Тоҳур, Ҳужа Нуриддин бобо, Қўйлиқ ота, Ҳайрабод Эшон каби алломаларга атаб қурилган ўнлаб мақба-ралар қиради. Эски шаҳарнинг энг ноёб, гўзал гўшаларидан бири Себзор даҳаси-даги Хастимом мажмуасидир.

Айниқса, Абу Барк Муҳаммад Исмоил Кафпол Шоший шахси ва унга атаб қу-рилган мақбара алоҳида аҳамиятга эга. Аслида, Хастимом сўзи шу буюк зот но-мига берилган Ҳазрати Имом сўзининг қисқартмаси. IX асрда яшаб ўтган суфий аллома Бухари ва Самарқанд шаҳарла-ридаги энг машҳур мадрасаларда таҳ-сил олиб, замонасининг буюк фикшу-нос олими даражасига етди. Ҳаж қилиб Тошкентга қайтган, анча йиллар Исло-м ва шариатдан дарс берган. Ўта муаммо-ли масалаларни ҳам юксак ғасоҳат би-лан еча олган. Шайбонийлар авлодлари



томонидан XVI асрда бу зотга атаб гўзал мақбара қурилган. Мақбарада Ҳофиз Кўҳажий (Мирзо Улугбекнинг шогирди Али Қўшчининг набираси) ва Зайниддин Восифий каби алломалар қабрлари ҳам шу ерда.

Шунингдек, Ал Бухорий номидаги Исло-м институти ҳудудида жойлашган Намозгоҳ масжиди, Ўзбекистон мусл-монлари идораси, Бароқхон мадрасаси, Усмон мушофи (Қуръон нусхаси) сақла-надиган Мўйи муборак мадрасаси диққат-га сазовор жойлардир.

Қадимда кўплаб иншоотлари бор муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланмиш Шайхонтоҳур мажмуасида 4 та обида сақланиб қолган. Ҳозирги кунда зиёрат-гоҳнинг қадимий дарвозасини тиклаш ишлари бошлаб юборилган. Маз-кур муқаддас масканлардан халқро қиқсдэ зиёрат туризми учун унумли фойдаланиш айна муддаодир. Шунинг-дек, бошқа эътиқод ва дунёқарашдаги хорижий сайёҳлар ҳам бу алломаларни ҳурмат қилади ва уларни зиёрат қилишни исташади. Бунинг учун пойтахтдаги барча алломаларнинг тарихини илмий тарзда

асосли ўрганиб, мақбаралар, чиллахона-лар (Шайхонтоҳур туманидаги Камолон мазориде жойлашган Ҳўжа Аълаббардор чиллахонаси ўта таъмирталаб)ни таъ-мирлаш, таҳоратхоналар ва бошқа зарур ёрдамчи хоналар бунёд этиб, зиёратгоҳ-ни тартибга келтириш, бу зотлар ҳақида ўзбек, рус ва бошқа жаҳон тилларида китоб, буклет, альбом ва рисоалар чоп этиш лозим.

Уларни тарғиб қилиш, таракқий этган мамлакатлар билан ҳамкорликда алло-маларнинг ибратли ҳаёти ва бой маъна-вий меросига бағишланган юқори бади-ий савиядаги кинофильмлар, ҳужжатли фильмлар, реклама роликларини суратга олиш ва жаҳон кинофестивалларида на-моиш этилса, нур устига нур. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Утган йили “Ўзбекино” Миллий агентлиги буюртма-си асосида суратга олинган “Сузуқ ота” фильми Истанбулда ўтказилган халқаро ҳужжатли фильмлар кинофестивалида бош совринни кўлга киритди.

Чорсу (Эски Жува) номи билан жаҳонга машҳур кўҳна бозорга туташ қадим маҳаллаларнинг файзи ўзгача. Уларнинг ҳар бирида ўзбекона лутф, меҳр-оқибат, аҳиллик мужассам. Би-ри-бирдан файзли ҳовлиларни кўр-сангиз, кукка буй чўзган чинор тутлар, тандирдан энди узилган нон иси уфур-ган кўчалар, гузарлардан ўтсангиз, ўз-бекнинг руҳини ҳис этасиз. Катта аршқ бўйида сақланиб қолган чархпалақлар,

шарқона либосдаги келинларнинг сув селип қўча супуриши, шўҳ-шодон бола-лар чопқиллаб юрган жин кўчалар, ол-поқ соқолли нуруний қариялар, юзида табассум билан сайёҳларни ховлисида-ги супага бир пибла чойга тақлиф эта-ётган табарруқ онахоналар — буларнинг бари азим Тошкент — Эски шаҳарга хос гўзал ва бетакорор манзара.

Энг муҳими, ушбу маҳаллаларда халқимизнинг меҳмондўстлиги, очикқўн-гиллик, меҳр-оқибат, одамлилик фази-латлари, қатъи кичика қизат-икром, демакки, миллий руҳи яшайди. Бу бебаҳо бойлики кўз қорачигидек асраш ва келгу-си авлодларга мерос қолдириш ҳар бири-мизнинг бурчимиздир. Аслида ҳам, қадим маҳаллалар — Ватан ичра кичик Ватан. Уларни нафақат сайёҳлар, балки ўзимиз, ўзлигимиз учун ҳам асраб-авайлашимиз зарур. Зеро, глобализм — маданиятлар қоршуви жараёнида миллий ўзлиқни асраб қилиш ўта муҳим экани барчага аён ҳақиқат.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 3685.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳис: Маллоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй